

“РУЙХАТГА ОЛИНГАН”  
Нукус шаҳар ҳокимининг  
2020 йил “17” 08 даги  
03/04-сонли Қарори билан  
давлат руйхатига олинди



Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирининг  
2020 йил “10” октябрдаги  
№320 сонли буйруғига  
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375-сонли “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси ИИВ Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейининг

## УСТАВИ



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### Ички ишлар вазирлиги Нукус “Темурбеклар мактаби” харбий-академик лицейи фаолиятини тартибга солиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги ПҚ–4375-сон “Ўсмирларни харбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга онд кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, буюраман:

1. Куйидагилар:

Ички ишлар вазирлиги Нукус “Темурбеклар мактаби” харбий-академик лицейининг Устави 1-иловага мувофиқ;

Ички ишлар вазирлиги Нукус “Темурбеклар мактаби” харбий-академик лицейининг моддий-техник таъминоти бўйича табель меъёрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ички ишлар вазирлиги Нукус “Темурбеклар мактаби” харбий-академик лицейининг Устави белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминлансин.

3. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Вазир ўринбосарлари, полковник Р.А. Хатамов ҳамда полковник Р.М. Эргашев зиммаларига юклатилсин.

Вазир  
генерал-лейтенант

П.Р. Бобожонов

Тошкент ш.,  
2019 йил “10” октябрь,  
320-сон

Кадрлар бош бошқармаси  
бошлиғининг биринчи  
ўринбосари, полковник

  
Т.С. Жуманов

К Е Л И Ш И Л Г А Н:

Моддий-техника таъминоти  
бошқармаси бошлиғи,  
подполковник




И.О. Абдурахмонов

Молия ва моддий-техника таъминоти бош  
бошқармаси бошлиғининг биринчи  
ўринбосари, подполковник



А.А. Абиджанов

Юридик таъминлаш бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари,  
катта лейтенант





А.Х. Раджапов

Ташкилий департамент бошлиғи,  
полковник



Ш.И. Норгитов

Вазир ўринбосари,  
полковник



Р.М. Эргашев

Вазир ўринбосари,  
полковник

х.с.

Р.А. Хатамов

**Ички ишлар вазирлиги Нукус “Темурбеклар мактаби” харбий-академик  
лицейининг Устави**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Нукус “Темурбеклар мактаби” харбий-академик лицейининг (кейинги ўринларда “Темурбеклар мактаби” деб юритилади) мақоми, фаолиятининг ташкилий асослари, мақсадлари, асосий вазибалари, ўқишга қабул қилиш ва ўқувчиларни ўқишдан четлатиш тартиби, ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш тартибини белгилайди.

2. “Темурбеклар мактаби” давлат таълим муассасаси ҳисобланади ва фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Темурбеклар мактаби” харбий-академик лицейи тўғрисидаги Низом, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мазкур Уставга мувофиқ амалга оширади.

3. “Темурбеклар мактаби”да ўқув-тарбиявий жараён ўқувчиларни харбий-қасбий йўналтириш ва келгусида уларни олий, олий харбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқитиш кўзда тутилган давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

“Темурбеклар мактаби”да ўқиш икки йил бўлиб, қабул квотаси 100 кишини ташкил этади.

Ўқиш шакли: кундузги.

4. Мулкчилик шакли: давлат мулки.

5. “Темурбеклар мактаби”нинг муассиси: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.

6. “Темурбеклар мактаби” юридик шахс ҳисобланиб, банк муассасаларида ҳисоб рақами ва бошқа ҳисоблар, белгиланган намунадаги муҳр, штамп, ўз номи туширилган бланкаларига эга.

7. “Темурбеклар мактаби”нинг тўлик номи:

а) давлат тилида:

тўлик номи – O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Nukus “Temurbeklar maktabi” harbiy-akademik litseyi;

қисқартирилган номи – Nukus “Temurbeklar maktabi” HAL;

б) рус тилида:

тўлик номи – военно-академический лицей «Темурбеклар мактаби» Министерства внутренних дел Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи – Нукусский ВАЛ «Темурбеклар мактаби»;

в) инглиз тилида:

тўлик номи – Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan Nukus Military-academic lyceum “Temurbeklar maktabi”;

кискартирилган номи – Nukus MAL “Temurbeklar maktabi”.

8. “Темурбеклар мактаби”нинг юридик манзили: (почта манзили): Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Чимбой кўчаси, “Айдын жол” ҚФЙ.

### **2-боб. “Темурбеклар мактаби”нинг мақсади ва вазифалари**

9. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигини таъминлаш учун масъулият ҳиссини, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш, Ўзбекистон Республикасига содик фидойи фуқароларни аниқ мақсадли ва тизимли тайёрлаш самарадорлигини такомиллаштириш “Темурбеклар мактаби” фаолиятининг мақсадидир.

10. “Темурбеклар мактаби”нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўқувчиларда халқимизнинг маънавий-маърифий кадриятларига, унинг маданияти ва урф-одатларига чуқур ҳурматни, уларда ҳалоллик, виждонийлик, ватанпарварлик, садоқат, фидокорлик сингари шахс сифатларини, шунингдек, миллий ғурур туйғуларини шакллантириш;

халқимизнинг тарихи ва бой маданияти, буюк аجدодларимизнинг, энг аввало Амир Темурнинг бебаҳо мероси, Ватан озодлиги ва фаровонлиги йўлида ўзини қурбон қилган замондош ватандошларимизнинг қаҳрамонлиги асосида Ўзбекистон халқига содик, катъий ҳаётий қарашлар ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ўқувчиларни тарбиялаш;

Ўқувчиларда кенг дунёқараш, интеллектуал салоҳият, ижодий ва таҳлилий фикрлашни ривожлантириш, табиий ва аниқ фанлар, хорижий тиллар ва замонавий ахборот технологиялари бўйича мустаҳкам билимларни шакллантириш, шунингдек, уларга ҳарбий ишдаги бошланғич билимларни сингдириш;

нотиклик ва етакчилик ҳислатларига эга, жисмонан ривожланган, чидамли, мард ва жасур Ватан ҳимоячиларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар резервини шакллантириш мақсадида республиканинг олий, олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириши учун муносиб номзодларни тайёрлаш.

### **3-боб. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш**

11. “Темурбеклар мактаби”да ўқув жараёни Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишиб, Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ҳамда Давлат таълим стандартлари асосида ташкиллаштирилади.

12. “Темурбеклар мактаби”да ўқиш давлат тили, қорақалпоқ ва рус тилида олиб борилади.

13. Ўқув режаси, ўқув жараёни жадвали, аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув-тарбия ишлари, шунингдек ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг бошқа масалалари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб, “Темурбеклар мактаби”нинг ўзига хослиги ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

14. Ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш жараёнида аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар ўтказишнинг турли замонавий шакллари ва усулларидан фойдаланилади.

15. Тиббий ва педагогик асосларга асосланган таълим, меҳнат, дам олиш ва турли тадбирлар уйғунлигини таъминловчи кун тартиби ўқувчилар кечаю-кундуз “Темурбеклар мактаби”да бўлишини ҳисобга олиб тузилади ва Илмий-педагогик кенгаш қарори билан тасдиқланади.

16. “Темурбеклар мактаби”нинг взводларида ўқувчилар сони 100 нафар ва академик гуруҳларида 25 нафар этиб белгиланади.

17. “Темурбеклар мактаби”да ўқув йилининг бошланиши ва унинг тугалланиш муддати, ўқувчиларнинг ҳафталик юкмаси ва якуний назоратлари ҳамда таътилларининг давомийлик муддати, шунингдек ўқишни яқунлаш шакллари ва турлари ўқув режалари асосида белгиланади.

18. “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларининг билими ва кўникмаларини баҳолаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

19. “Темурбеклар мактаби”да тарбиявий ишлар миллий анъаналаримиз ва умуминсоний кадриятлардан келиб чиқиб ташкил қилинади ва ўқув жараёни билан биргаликда оилалар, маҳалла ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

20. “Темурбеклар мактаби”да ўқув машғулотларини ўтказиш учун олий ҳарбий ва бошқа таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда тажрибали мутахассислари, ойлик маоши фонди доирасида, меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш асосида жалб этилиши мумкин.

21. “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларини умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар билан таъминлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

22. Ўқув машғулотлар барча турларининг давомийлиги 80 дақиқадан иборат (танаффуссиз икки академик соат). Ўқув машғулотлари орасида танаффус эълон қилинади.

23. “Темурбеклар мактаби”да назорат ишларининг барча турларидан ўқувчиларни озод қилишга йўл қўйилмайди.

24. Биринчи курсда ўқиш яқунланганидан сўнг якуний назорат натижалари асосида “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларини кейинги курсга ўтказиш тўғрисида директорнинг буйруғи чиқарилади.

25. Халқаро ва республика фан олимпиадаларида 1-3-ўринларни эгаллаган “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларини ҳамда уларнинг ўқитувчиларини рағбатлантириш (мукофотлаш) республика умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ўқувчиларини ва уларнинг ўқитувчиларини рағбатлантиришни (мукофотлашни) тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

26. Ўқув режада белгиланган барча фанларни тўлиқ ўзлаштирган ўқувчи “Темурбеклар мактаби” директорининг буйруғига асосан якуний давлат аттестациясига қўйилади.

27. Яқуний давлат аттестациясини муваффақиятли топширган ўқувчиларга ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасасини тамомлаганлиги тўғрисида давлат намунасидаги диплом ҳамда чуқурлаштирилган тайёргарликни талаб этмайдиган алоҳида мутахассислик бўйича сертификат берилади.

28. Ўқув режасида назарда тутилган фанларнинг камида 86 фоизидан яқуний назоратларни “аъло”, шунингдек қолган фанлардан “яхши”, яқуний давлат аттестациясидан “аъло” баҳолар олган, намунали хулққа эга бўлган ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этган ўқувчиларга аъло даражали диплом берилади.

29. Битирувчиларга диплом ва “Темурбеклар мактаби”ни битирганлик тўғрисида кўрак нишони тантанали тадбирда топширилади. Тадбирга битирувчиларнинг ота-оналари, олий ҳарбий ва олий таълим муассасалари, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

30. “Темурбеклар мактаби”да илмий-методик ишлар куйидагиларни ўз ичига камраб олади:

семинар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

педагоглари илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш;

илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш;

республикадаги етакчи таълим муассасалари билан ўзаро амалий ҳамкорликни амалга ошириш.

31. “Темурбеклар мактаби”да ички хизмат Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низомига мувофиқ ташкиллаштирилади.

#### **4-боб. “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларини саралаш тартиби**

32. “Темурбеклар мактаби”га ўқишга қабул йилида умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаб-интернат мактабларининг (кейинги ўринларда – умумтаълим мактаблар) 9-синфини тамомлаган ва шаходатномага эга бўлган, соғлигининг ҳолатига кўра ўқишга яроқли деб топилган ҳамда ҳаққоний ва шаффофлик тамойилларига асосланган саралаш танловидан муваффақиятли ўтган, эркак жинсли Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ўқишга қабул қилинади.

33. Саралаш танлови дастлабки танлаш, ҳарбий-касбий танлов ва тест синовларидан иборат.

Саралаш танловини ўтказиш муддати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган ҳолда вазирлик ва идораларнинг қўшма қарори билан белгиланади.

34. Номзодларнинг шахсий йиғмажилдлари билан ишлаш, ташкилий ишларни бажариш, зарур материал ва ҳисоботларни тайёрлаш учун “Темурбеклар мактаби”да қабул комиссияси тузилади, унинг таркиби ҳар йили Ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

Қабул комиссияси ўз фаолиятини мазкур Устав асосида амалга оширади.

35. Ҳарбий-касбий танлов тадбирларини ўтказиш учун ҳарбий округларда вазирлик ва идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг вакиллари билан иборат таркибда тегишли ҳарбий округ қўмондони раислигида махсус идораларро

комиссия тузилади. Идоралараро комиссиянинг таркиби ҳар йили вазирлик ва идоралар раҳбарларининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Идоралараро махсус комиссиянинг ишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда вазирлик ва идораларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади.

36. Дастлабки танловни ўтказишдан асосий мақсад номзодларнинг кейинчалик олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш, давлат хизматчиси бўлиш истагида бўлган шахсларга соғлиғи, шахсий-психологик сифатлари, жисмоний тайёргарлиги бўйича қўйиладиган талабларга мувофиқлигини, шунингдек, юқори интеллектуал ва маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга номзодларни аниқлаш ҳисобланади.

37. Қуйидагилар дастлабки танловнинг асосий тадбирлари ҳисобланади:  
номзодга тегишли ҳужжатларни ва уни тавсифловчи маълумотларни тўплаш;  
номзод тўғрисидаги турли маълумотларни (оилавий аҳволи, ота-онаси ва яқин қариндошларининг ҳарбий хизматга муносабати ва шу қабилар), номзоднинг “Темурбеклар мактаби”га ўқишга киришини танлашига асослар ва сабабларни аниқлаш;  
умумтаълим фанлари бўйича ўзлаштириши, соғлиғи ва жисмоний тайёргарлик ҳолатини ҳар томонлама ва ҳолисона баҳолаш;  
номзодларнинг шахсий-психологик хусусиятларини ўрганиш.

38. Номзодлар учун дастлабки танлов “Темурбеклар мактаби”га ўқишга кириш истагини билдирган номзодларнинг аризалари асосида яшаш жойи бўйича мудофаа ишлари бўйича бўлимларда ҳар йили 1 апрелдан 30 апрелга қадар ўтказилади.

39. Дастлабки танловда иштирок этиш учун номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) мудофаа ишлари бўйича бўлим бошлиғи номига ариза;  
б) белгиланган шаклдаги сўровнома;  
в) ўқиш ва яшаш жойидан тавсифнома;  
г) таълим муассасасига қираётган номзоднинг тиббий кўрикдан ўтказиш варақаси, амбулатор тиббий картаси ва унга тикилган қўшимча варағи (025-1у шакли), профилактик эмлаш картаси (063 шакли);

д) намуна асосида ёзилган батафсил таржимаи ҳол;  
е) туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт нусхаси, мудофаа ишлари бўлимларида рўйхатда туриши тўғрисидаги маълумотнома нусхаси;

ж) фанларни ўзлаштириши тўғрисида ўқиш жойидан директор томонидан тасдиқланган маълумотнома;

з) психоневрологик, силга қарши ва тери-таносил касалликлари диспансерлари, наркологик ва одам иммунитетни танқислиги синдромига (ОИТС) қарши курашиш марказларидан берилган маълумотнома, лаборатория текширишлари натажалари (қон ва пешобнинг умумий таҳлили, нажасни гелментологик текшируви, қоннинг биокимёвий текширувлари: АТЛ, АСТ, билирубин (фракциялари билан), умумий оксил, тимол синамаси, “В” ва “С” турдаги вирусли гепатитнинг маркерлари ва аъзолари, нажасни гелментологик текшируви, кўкрак қафаси флюорографияси, электрокардиография текшируви (ЭКГ), қорин бўшлиғи, сийдик ажратиш тизими аъзолари ва калконсимон



безнинг ультратовуш текшируви (УТТ), эндоскопик эзофагогастроэдуоденоскопия текшируви (ЭФГДС хулосалари) бўйича тиббий маълумотномалар;

и) номзоднинг ички ишлар органларида рўйхатга олинмаганлиги ҳолатларини тасдиқловчи маълумотнома;

к) 4 дона 3,5 x 4,5 см ўлчамли ва 6 дона 3 x 4 см ўлчамли рангли фотосуратлар.

40. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ дастлабки ва ҳарбий-қасбий танловдан муваффақиятли ўтган “Темурбеклар мактаби”га тест синовларисиз танловдан ташқари ўқишга қабул қилиниш ҳуқуқига ҳамда бошқа имтиёзларга эга бўлган айрим тоифадаги номзодлар қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

а) халқаро ва республика фан олимпиадаларининг ғолиблигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги гувоҳнома;

б) ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда жароҳатланиш (шикастланиш) натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарув бўлинмалари хизматчиларининг фарзандлари:

ўлим ҳақидаги гувоҳномаси ёки ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома;

хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда жароҳатланиш (шикастланиш) натижасида ногирон бўлиб қолганлиги юзасидан тегишли вазирлик ва идора раҳбарининг буйруғидан кўчирма;

в) етим, ота-она қаровисиз қолган, ижтимоий носоғлом оилаларда яшаётган, давлат ва жамият қўмағига муҳтож бўлган, ўқишга қабул йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган номзодлар учун Вояга етмаган ёшлар билан ишлаш бўйича ҳудудий идоралараро комиссияси тавсияси;

г) Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги раҳбарлигида ўтказилаётган республика ва халқаро спорт мусобақаларининг ғолиблигини тасдиқловчи гувоҳнома.

41. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, чакирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисида гувоҳнома, ўқишга имтиёзли кириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари номзодлар томонидан “Темурбеклар мактаби”га келганда қабул комиссиясига шахсан тақдим этилади.

42. Қуйидагилар “Темурбеклар мактаби”га кириш учун рад жавоби берилишига асос бўлади:

номзоднинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси эмаслиги;

номзодга нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги, дастлабки тергов ёки суриштирув ўтказилаётганлиги, жиноят иши судда кўриб чиқилаётганлиги;

жазо чораси туридан ёки амнистия қарори қўлланилганлигидан қатъий назар содир этилган жиноят учун айблов ҳукми чиқарилганлиги;

яшаш жойидан ва ички ишлар органларидан салбий тавсияномалар мавжудлиги.

43. Номзодларнинг биринчи тиббий текшируви мудофаа ишлари бўйича бўлимлар ҳузуридаги тиббий комиссиялар томонидан ўтказилади. Тиббий текширув натижаларига асосланган соғлиғининг ҳолатига кўра номзоднинг ўқишга яроқлилиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

Соғлигининг ҳолатига кўра ўқишга яроксиз деб топилган номзодлар ҳарбий-касбий танловга қўйилмайди.

44. Тиббий текширув ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия ва Соғликни сақлаш вазирлигининг қарори билан тасдиқланган “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейига кираётган ва таҳсил олаётган номзод ва ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларига тиббий ёрдамни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом билан белигиланади.

45. Дастлабки танлов натижалари бўйича “Темурбеклар мактаби”га ўқишга кириш учун тавсия қилинган номзодларнинг шахсий йиғмажилдлари туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимлари томонидан ҳар йили 1 май кунига қадар мудофаа ишлари бошқармаларига топширилади.

46. Ҳарбий-касбий танловнинг бош мақсади ўзининг психофизиологик хусусиятлари ва соғлигининг ҳолати бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган, етакчилик сифатларига, ички ишончга, мустаҳкам маънавий-ахлоқий ва интеллектуал салоҳиятга эга, келгусида муносиб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчи ва ходимлари ҳамда давлат хизматчилари бўла оладиган номзодларни аниқлашдир.

47. Ҳарбий-касбий танловнинг асосий тадбирлари қуйидагилардан иборат:  
номзодга тегишли ҳужжатлар ва уни тавсифловчи маълумотларни ўрганиш;  
номзодларни якуний тиббий текширувдан ўтказиш;  
номзоднинг саводхонлик даражасини (орфография ва пунктуация) баҳолаш;  
номзодларнинг психофизиологик хусусиятларини ўрганиш;  
номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш;  
номзод билан яқка тартибда якуний суҳбат ўтказиш ва номзодларни тест синовларига қўйиш тўғрисида якуний қарор қабул қилиш.

48. Ҳарбий-касбий танлов номзоднинг яшаш жойи бўйича мудофаа ишлари бошқармасида ҳар йили 1 майдан 20 июнь кунига қадар ўтказилади.

49. Номзодларни якуний тиббий текширувдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ва Соғликни сақлаш вазирининг қўшма буйруғи билан тасдиқланадиган тиббий мутахассислардан иборат таркибдаги ҳарбий-тиббий комиссиялар томонидан амалга оширилади.

50. Якуний тиббий текширув натижаларига асосланган соғлигининг ҳолатига кўра номзоднинг “Темурбеклар мактаби”да ўқишга яроқлилиги ҳолати тўғрисидаги қарор чиқарилади.

Соғлигининг ҳолатига кўра ўқишга яроксиз деб топилган номзодлар саралашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

51. Номзодларнинг саводхонлик даражасини (орфография ва пунктуация) баҳолаш диктант ёздириш йўли билан аниқланади.

Диктант ўтказиш тартиби ва уни баҳолаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Диктант натижасида коникарсиз баҳо олган номзодлар саралашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

52. Номзодларнинг психофизиологик хусусиятларини ўрганиш тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда психологик тестлар ўтказиш орқали ҳарбий округлар томонидан ташкиллаштирилади ва ўтказилади. Психологик тестларни ўтказиш тартиби ва психологик тестлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Психофизиологик хусусиятларни ўрганиш натижалари яқка тартибдаги якуний суҳбат давомида қарор қабул қилишда ҳисобга олинади.

53. Психофизиологик хусусиятларни ўрганиш натижаларига кўра қуйидаги ҳулосалар чиқарилади:

ўқишга кириш учун тавсия этилади;

ўқишга кириш учун тавсия этилмайди.

Психофизиологик хусусиятларни ўрганиш натижалари бўйича ўқишга кириш учун тавсия этилмаган номзодлар саралашнинг кейинги босқичига қўйилмайди.

54. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси мудофаа ишлари бошқармаси томонидан аниқланади.

Жисмоний тайёргарлик даражаси бўйича талабларга жавоб бермайдиган номзодлар саралашнинг кейинги босқичига қўйилмайди.

55. Яқка тартибдаги якуний суҳбат идоралараро махсус комиссия томонидан номзоднинг етакчилик сифатлари, мантикий фикрлаш даражаси, саводхонлиги, ақлий қобилиятлари ҳамда бошқа ҳарбий хизматчи ва давлат хизмати ходими учун муҳим касбий сифатларини аниқлаш мақсадида психофизиологик хусусиятларини ўрганиш ва диктант натижалари асосида мудофаа ишлари бошқармасида ўтказилади.

56. Яқка тартибдаги якуний суҳбат натижаларига кўра номзодни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйиш тўғрисида якуний қарор қабул қилинади.

57. Яқка тартибдаги якуний суҳбатдан ўта олмаган номзодларнинг шахсий йиғмажилдлари (ва бошқа ҳужжатлари) далолатнома асосида номзоднинг яшаш жойи бўйича Халқ таълими вазирлиги ҳудудий бошқармаси вакилига топширилади.

58. Мудофаа ишлари бошқармалари томонидан расмийлаштирилган номзодларнинг шахсий йиғмажилдлари мудофаа ишлари бошқармаси орқали ҳар йили 28 июнгача “Темурбеклар мактаби”нинг қабул комиссиясига етказилади.

“Темурбеклар мактаби” қабул комиссиясига номзодларнинг шахсий йиғмажилдларини ушбу мақсадлар учун ваколатга эга бўлмаган бошқа шахслар орқали топшириш қатъиян ман этилади.

59. Тест синовларига рухсат этилган номзодларга мудофаа ишлари бошқармалари томонидан маълумотнома берилади. Маълумотнома ўрта умумтаълим мактабидан умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномани олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

60. Шахсий йиғмажилдларни ўрганиш натижаларига кўра тест синовларига рухсат этилган номзодларнинг рўйхатларини мудофаа ишлари бошқармаларигача етказиш учун “Темурбеклар мактаби”нинг қабул комиссияси масъул ҳисобланади.

61. Номзодларнинг тест синовларида иштирок этиш учун ўз вақтида “Темурбеклар мактаби”га етиб келиши учун жавобгарлик мудофаа ишлари бошқармалари бошлиқларига юклатилади.

62. “Темурбеклар мактаби”га келиб-кетиш, тест синовларига тайёрланиш ва топшириш даврида жойлашиш ҳамда овқатланиш билан боғлиқ харажатлар номзодларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қопланади.

63. Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўрнатилган тартибда ўтказилади.

64. Тест синовлари ўтказиладиган умумтаълим фанлари блоки Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Номзодлар тест синовларини ўз ихтиёрига кўра уч тилдан – ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларидан бирида топширадilar.

65. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказилган тест синовларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига ҳамда “Темурбеклар мактаби” қабул комиссиясига тақдим этилади.

66. Тест синовларига белгиланган муддатда келмаган номзодлар учун такрорий тест синовлари ўтказилмайди.

67. “Темурбеклар мактаби”га қабул қилинмаган (саралашдан ўтмаган) номзодларнинг шахсий йиғмажилдлари (ва бошқа ҳужжатлари) далолатнома асосида кейинчалик номзодларнинг яшаш жойи бўйича Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига топшириш учун мудофаа ишлари бошқармаси вакилига берилади.

68. Тест синовларини ўтказиш санаси, жойи ва вақтини Давлат тест маркази билан келишилган ҳолда белгиланади.

69. Тест топшириқлари умумий ўрта таълими фанлари (5-9 синфлари кесимида)нинг Давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилади.

70. Тест синовлари натижасидан норози бўлган номзод, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчилар (васийлар) тест синовлари натижаси эълон қилингандан кейин икки иш куни давомида тест синови ўтказилган “Темурбеклар мактаби”да ташкил этилган апелляция комиссиясига ёзма равишда тест натижалари бўйича апелляция шикоятни бериш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг шикоятни қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

71. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ дастлабки ва ҳарбий-касбий танловдан муваффақиятли ўтган қуйидаги номзодлар “Темурбеклар мактаби”га тест синовларисиз танловдан ташқари ўқишга қабул қилинади:

халқаро ва республика фан олимпиадаларининг ғолиблари – белгиланган қабул квотаси доирасида;

ўз хизмат вазибаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда жароҳатланиш (шикастланиш) натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарув бўлинмалари хизматчиларининг фарзандлари – квотадан ташқари;

етим, ота-она қаровисиз қолган, ижтимоий носоғлом оилаларда яшаётган, давлат ва жамият кўмагига муҳтож бўлган, ўқишга қабул йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган Вояга етмаган ёшлар билан ишлаш бўйича ҳудудий идоралараро комиссия тавсияси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг қарорлари асосида – квотадан ташқари, белгиланган квотанинг 5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

72. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги раҳбарлигида ўтказилаётган республика ва халқаро спорт мусобақаларининг голибларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан “Темурбеклар мактаби”га кириш учун ўтказилаётган тест синовларида улар тўплаган балларнинг 20 фоизи миқдоридagi кўшимча баллар кўринишида имтиёз берилади.

#### **5-боб. “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларини қабул қилиш тартиби**

73. Номзодларни “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари сафига қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказилган тест синовлари натижаларига кўра амалга оширилади.

74. Мазкур Уставнинг 71-бандида кўрсатилган имтиёзларга эга бўлган номзодлар дастлабки ва ҳарбий-касбий танлаш натижаларига асосан ўқишга қабул қилинади.

75. Дастлабки ва ҳарбий-касбий танлашдан ўтган номзодлар сони белгиланган қабул квоталаридан кам бўлган тақдирда тест синовлари ўтказилмайди ва номзодлар дастлабки ва ҳарбий-касбий танлаш натижаларига асосан қабул қилинади.

76. Бир нечта номзодларнинг ўтиш рейтинг баллари тенг бўлган ҳолларда улар орасида биринчи блок фанидан тест натижалари юқори бўлган номзод қабул қилинади, шунда ҳам баҳолар тенг бўлиб қолган тақдирда, умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномадаги математика, физика, она-тили ва адабиёт фанларидан олган якуний баҳолари йиғиндиси бошқаларникидан юқори бўлган номзод ўқишга қабул қилинади.

77. Тест натижалари тақдим этилгандан сўнг “Темурбеклар мактаби”нинг қабул комиссияси номзодлар рўйхатини тузади ҳамда тегишли баённомани расмийлаштиради. Мазкур ҳужжатлар қабул комиссияси раиси ва аъзолари томонидан имзоланиб, “Темурбеклар мактаби”нинг муҳри билан тасдиқланади.

78. Қабул комиссиясининг баённомаси номзодларни “Темурбеклар мактаби”га ўқувчилар сафига қабул қилиш тўғрисида “Темурбеклар мактаби” директорининг буйруғини чиқариш учун асос бўлади.

79. “Темурбеклар мактаби”га ўқишга қабул қилинадиган шахслар ўқувчи деб аталади, уларга белгиланган намунадаги ўқувчи билети ва рейтинг дафтарчаси берилади.

80. “Темурбеклар мактаби”нинг ташкилий-штат тузилишига мувофиқ ўқув курслари бўйича академик гуруҳлар взводларга бирлашади.

81. Алгебра, геометрия, физика, хорижий тиллар, информатика, рус тили, она тили ва адабиёт фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш вақтида ўқувчилар гуруҳи иккита кичик гуруҳларга бўлиниши мумкин.

82. “Темурбеклар мактаби”ни тамомлагандан кейин битирувчиларга белгиланган намунадаги диплом ва кўкрак нишони берилади.

83. “Темурбеклар мактаби” битирувчиларига Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларида

Ўзлари тўплаган балларнинг 30 фоизи миқдорига, республиканинг бошқа давлат олий таълим муассасаларига ўқишга киришда эса ўзлари тўплаган балларнинг 15 фоизи миқдорига кўшимча баллар кўринишида имтиёз берилади.

84. “Темурбеклар мактаби”ни имтиёзли диплом билан тугатган битирувчиларга, таркибида “Темурбеклар мактаби” бўлган вазирлик ва идораларнинг тегишлилиги бўйича олий ҳарбий билим юртларига тест синовларсиз, ҳарбий-касбий саралаш тадбирларини муваффақиятли ўтиш натижасида кириш ҳуқуқи берилади.

85. “Темурбеклар мактаби”ни тамомлаганлик тўғрисидаги кўкрак нишонининг ягона намунаси вазирлик ва идораларнинг кўшма қарори билан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Кўкрак нишони китель кўкрак қисмининг ўнг томонига тақилади.

#### **6-боб. “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

86. “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларининг ҳуқуқлари:

қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга эга бўлиш;

“Темурбеклар мактаби” ўқув бинолари, лаборатория, ахборот-ресурс маркази (кутубхона), спорт мажмуаларидан фойдаланиш, ўзларининг қобилиятларини намоён қилиш ва ривожлантириш, ўз салоҳиятини ўстириш, ўз билимларини таълим фанлари бўйича чуқурлаштириш;

замонавий фан ва техника тараққиётига мос билимларни олиш;

ўз-ўзини бошқарадиган ўқувчилар органига сайлаш ва сайланиш, “Темурбеклар мактаби” фаолиятида энг муҳим масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш;

“Темурбеклар мактаби”нинг ижодий фаолиятида иштирок этиш;

ўқув режаси доирасидан ташқари фан, ижодий ва спорт тўғарақларига қатнашиш орқали билим ва кўникмаларни олиш;

турли танловлар, республика ва халқаро олимпиадаларида иштирок этиш;

ўқишни муваффақиятли тамомлагандан сўнг давлат намунасидаги диплом ва эгаллаган мутахассислиги бўйича сертификат олиш.

Ўқувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

87. Қуйидагилар “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларининг мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларини билиш ва уларга риоя қилиш;

ўз вазифаси, курси, “Темурбеклар мактаби” шарафини ҳурмат қилиш;

“Темурбеклар мактаби” Устави, одоб-ахлоқ ва ички тартиб талаблари, санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш;

Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларида белгиланган ўқув фанлари бўйича пухта билим эгаллаш ва тўлиқ ўзлаштириш;

интизомли, хушмуомалали, меҳнатсевар ва қамтар бўлиш, жамоат тартибига ва ҳавфсизлик чораларига риоя қилиш;

“Темурбеклар мактаби” мол-мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

чуқурлаштириб ўтиладиган фанлар бўйича бошланғич илмий кузатишлар олиб бориш;

дарс жараёнига масъулият билан ёндашиш, ўқув вазифаларини ўз вақтида бажариш;

“Темурбеклар мактаби”да бўлиб ўтаётган барча тадбирларда фаол қатнашиш;

жамоа бирдамлигини саклаш, курсдошлари (атрофдагилар)га ёрдам бериб, уларни ножўя ишлардан асраб қолиш;

соғлиғини чиниктириш, спорт билан мунтазам равишда шуғулланиш ва ўз устида ишлаш;

форма кийим-кечагини кийиш қодаларига риоя қилиш, саранжом ташки кўринишга эга бўлиш;

саф элементларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф низоми талабларига мувофиқ бажариш.

88. Ўқувчилар ўқув йили мобайнида “Темурбеклар мактаби” умумий турар жойида яшайдилар. Шаҳарга чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий низомлари талаблари асосида амалга оширилади.

89. “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари конун ҳужжатларида белгиланган меъёрларга мувофиқ озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа мол-мулк билан таъминланадилар.

90. Қуйидагилар ҳарбий интизомни бузиш ҳолатлари ҳисобланади:  
нормуносиб хатти-ҳаракатларни бажариш, одоб-ахлоқ ва ички тартиб талаблари, ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари қодаларини қўпол ва бир неча бор бузиш, педагоглар ва командирларига ҳурматсизлик хатти-ҳаракатларини амалга ошириш;

белгиланган мажбуриятларни бажармаслик;

дарсларда сабабсиз катнашмаслик ҳамда “Темурбеклар мактаби” ҳудудини ўзбошимчалик билан тарк этиш;

узрли сабабларсиз шаҳарга чиқишдан, таътилдан, касалхонадаги даволанишдан кечикиб келиш;

“Темурбеклар мактаби” мол-мулкига шикаст етказиш.

91. “Темурбеклар мактаби” директори буйруғи билан кичик командирларнинг вазифаларини бажариш учун намунали хулқ-атвор, юқори маданият, талабчанлик ва етакчилик ҳислатларига эга ўқувчилар орасидан гуруҳ командирининг ўринбосари ва секция командирлари тайинланади.

92. Ўз вазифаларини виждонан бажарувчи, намунали хулқи билан ажралиб турувчи, меҳнатсевар, фанларни юқори ўзлаштирган ўқувчилар рағбатлантирилади, ҳарбий интизом, тартиб ва қодаларни бузувчилар эса интизомий жазоланадилар.

93. Ўқувчиларга нисбатан қуйидаги рағбатлантириш турлари қўлланади:

олдин берилган интизомий жазони бекор қилиш;

миннатдорчилик эълон қилиш;

ота-онасига (конуний вакилига) ёки “Темурбеклар мактаби”га ўқишга қабул қилингунига қадар таълим олган мактабига миннатдорчилик хатини юбориш;

фахрий ёрликлар, қимматбаҳо совға ва аълочи ўқувчи кўкрак нишони билан тақдирлаш;

“Темурбеклар мактаби” ҳурмат тахтасига ўқувчининг фамилиясини киритиш.

94. Ўқувчиларга қуйидаги интизомий жазолар қўлланилади:

навбатдаги шаҳарга чиқишдан маҳрум қилиш;

хайфсан;

каттик хайфсан;

“Темурбеклар мактаби”дан ўқишдан четлаштириш.

95. Ўқувчиларга нисбатан қўлланилган рағбатлантириш ва интизомий жазолар ҳисоби белгиланган тартибда взвод ва гуруҳ командирлари томонидан юритилади.

#### **7-боб. “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларни ўқишдан четлаштириш тартиби**

96. Ўқувчиларни “Темурбеклар мактаби”дан четлаштириш қуйидагиларга асосланиб амалга оширилади:

соғлиғи туфайли (тиббий комиссиянинг ўқишга яроқсизлиги тўғрисидаги хулосаси асосида);

ўқувчининг аризасига мувофиқ, унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг ташаббусига кўра;

академик ўзлаштиришдан ортда қолиш, бир семестр мобайнида икки ҳафта давомида (72 ва ундан кўп соат) узрли сабабларсиз машғулотларда қатнашмаслик;

“Темурбеклар мактаби”нинг Уставида белгиланган ички тартибни қўпол равишда бузиш; суднинг қарорига кўра жиноят содир этганликда айбдор деб топилиши; вафот этганлиги муносабати билан.

97. Ўқувчиларни “Темурбеклар мактаби”дан четлаштириш Илмий-педагогик кенгашнинг қарорига мувофиқ директорнинг буйруғи билан амалга оширилади.

98. Ўқишдан четлаштирилган ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар йиғмажилди Илмий-педагогик кенгашнинг қарори қабул қилингандан сўнг “Темурбеклар мактаби” директорининг буйруғи имзоланган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда унинг бошқа ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олишни давом эттиришини ташкиллаштириш учун Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилади.

99. Шахсий ҳужжатлар йиғмажилди (ва бошқа ҳужжатлар) Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан ўқувчининг аниқ ўрта ва ўрта махсус таълим муассасасида таҳсил олиши тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақида хабарнома олингандан сўнг далолатнома асосида ота-онасининг иштирокида унга қайтариб берилади.

100. Ўқишдан четлаштирилган ўқувчиларни ўқишга қайта тиклаш, ўқувчиларни бир “Темурбеклар мактаби”дан бошқа “Темурбеклар мактаби”га ўтказиш, шунингдек, бошқа таълим муассасаларидан “Темурбеклар мактаби”га ўтказиш тақиқланади.

101. Ўқувчиларни “Темурбеклар мактаби”дан четлаштиришдан норози бўлган шахслар белгиланган тартибда юқори турувчи давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

#### **8-боб. Раҳбар ва педагог кадрлар, “Темурбеклар мактаби”ни бошқариш**

102. Раҳбар ва педагог кадрлар ҳамда контракт бўйича харбий хизматчилар лавозимларини бутлаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

103. “Темурбеклар мактаби”га Ички ишлар вазири томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади. Директор ишчи ва хизматчиларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, ўз ваколати доирасида қонунчиликда белгиланган тартибда “Темурбеклар мактаби” бўйича буйруқлар чиқаради.



104. “Темурбеклар мактаби”нинг шаходатланган ходимлари Ички ишлар вазири ўринбосари – Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи томонидан шартнома бўйича офицерлар ва сержантлар тарикбидаги ҳарбий хизматчилар орасидан тайинланади.

105. Директор “Темурбеклар мактаби”нинг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, ўқувчиларга сифатли таълим бериш ва тарбиялаш, ўқув режа ва дастурларининг бажарилиши, “Темурбеклар мактаби”нинг ўқув-услубий ва молия-хўжалик фаолияти лозим даражада амалга оширилиши учун жавоб беради.

106. “Темурбеклар мактаби” директори муассасанинг ташкилий-ҳуқуқий, ўқув-тарбия, маънавий-маърифий ва молиявий-хўжалик фаолиятининг ташкил этилишига масъул ҳисобланади.

107. Директор “Темурбеклар мактаби” номидан иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассасанинг мол-мулкани тасарруф этади ва шартномалар тузади.

108. “Темурбеклар мактаби” директори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

“Темурбеклар мактаби” ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш;  
ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш ва жавобгарлик даражасини белгилаш;

ўқув-тарбия жараёни бажарилиши юзасидан назорат қилиш;

тегишлилиги бўйича вазирлик ёки давлат идорасига, ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва “Темурбеклар мактаби” фаолиятининг бошқа масалалари бўйича таклифлар киритиш;

“Темурбеклар мактаби” ишчи ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

ўз ваколатлари доирасида “Темурбеклар мактаби” барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

педагоглар таркиби ва бошқа ходимлар билан меҳнат шартномалари тузиш;

педагоглар таркиби, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш;

ходимлар сони ва меҳнатига ҳақ тўлаш фонди доирасида штатлар жадвалини ҳар йили тасдиқлаш учун Вазирликка киритиш;

ўқишда (меҳнатда) алоҳида аъло кўрсаткичларга эришган ўқувчилар ва педагоглар ҳамда ишчи ходимларни рағбатлантириш, мукофотларга тақдим этиш, лозим бўлганда уларга интизомий жазо чораларини кўриш;

“Темурбеклар мактаби”да болалар ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларининг сифатли ва самарадор бажарилишини назорат қилиш;

дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

“Темурбеклар мактаби” иш тартибини, ўқув ҳафтаси ва ўқув машғулотлар давомийлигини белгилаш;

педагоглар таркибини аттестациядан ўтказиш юзасидан тегишли ишларни амалга ошириш, уларнинг ижодий ўсиши учун шарт-шароитлар яратиш, педагогик ташаббуслар, ижодий изланишлар, тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш;

Вазирлик билан келишилган ҳолда республикамиз етакчи таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузиш;

хорижий мамалакатларда ташкил этиладиган турли халқаро танловлар, фестиваллар ва конкурсларга “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари расмий таклиф этилганда, ўқувчиларнинг ушбу тадбирларда иштирок этишлари учун Вазирликка муурожаат этиш;

маънавий эскирган, фойдаланиш муддатлари ўтиб, яроқсиз бўлиб қолган мулкни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқариш;

“Темурбеклар мактаби” директори Вазирлик билан келишилган ҳолда таълим соҳасида ҳамкорлик бўйича республика ва хорижий таълим муассасалари билан халқаро меморандум ва битимлар тузиш ҳуқуқига эга.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ “Темурбеклар мактаби” директори бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

109. Қуйидагилар “Темурбеклар мактаби” директорининг мажбуриятлари ҳисобланади:

қонун ҳужжатлари, Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, юқори турувчи бошқарув органларининг тегишли буйруқлари ва кўрсатмалари бажарилишини таъминлаш;

Давлат таълим стандартларига мувофиқ ихтисослик бўйича ўқувчиларнинг жадал интеллектуал ривожланишини таъминлаш;

ўқувчиларда ватанпарварликни, ўз Ватани билан фахрланиш ҳис-туйғусини ривожлантириш, миллий ўзлигини англаш, халқимизнинг миллий, маданий, тарихий анъаналарига ҳурмат билан қарашни кучайтириш;

ўқувчиларни танлаган таълим йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган билим олишлари учун зарур имкониятлар яратиб бериш;

республикадаги етакчи ва хорижий таълим муассасаларининг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш ва доимий равишда янгилаб бориш;

таълим сифатини яхшилаш, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш;

ўқув-тарбия жараёнида соғлом муҳитни таъминлаш учун шароит яратиш, соғлом турмуш тарзи меъёрларини амалий татбиқ этиш;

ўқувчиларда жисмоний чидамлик, куч, чакконлик ва тезкорликни ривожлантириш;

“Темурбеклар мактаби”га ҳар томонлама методик ва амалий ёрдам кўрсатилиши бўйича бириктирилган олий ва олий ҳарбий таълим муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти ва педагогик маҳоратини, шунингдек маънавий етуқлигини мунтазам ошириб боришини таъминлаш;

“Темурбеклар мактаби” битирувчиларини Ўзбекистан Республикаси олий ҳарбий ва олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун мақсадли ва чуқурлаштирилган ҳолда тайёрлаш;

ўқишни тамомлаган “Темурбеклар мактаби” битирувчиларига давлат намунасидаги диплом ва эгаллаган мутахассислиги бўйича сертификат бериш;

ота-оналар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор идоралар билан ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик ишларини олиб бориш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ “Темурбеклар мактаби” директорига бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

110. “Темурбеклар мактаби” директори унга юклатилган мажбуриятларнинг ўз вақтида, самарали ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

111. “Темурбеклар мактаби”да педагогик фаолият билан шуғулланишга тегишли маълумотга ва профессионал тайёргарликка ҳамда юксак ахлокий сифатларга эга шахслар ҳақлидир.

112. “Темурбеклар мактаби”да директор ҳузурида ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва такомиллаштиришга кўмаклашувчи, коллегиял орган ҳисобланадиган Илмий-педагогик кенгаш тузилади.

113. Илмий-педагогик кенгашнинг асосий мақсади “Темурбеклар мактаби” жамоасининг ўқув-услубий ва маънавий-маърифий ишлари салоҳиятини бирлаштириб, қуйидаги асосий масалаларни ҳал этишга қаратилади:

таълим стандартларига жавоб бера оладиган, назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган, маънавий дунёси шаклланган билимли ўқувчиларни тарбиялаш самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал этиш;

“Темурбеклар мактаби” ўқув-тарбия жараёнининг барча жиҳатларини “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ташкил этилишини таъминлашни такомиллаштириш, ўқитувчилар, тарбиячилар, ёрдамчи ходимлар иш фаолиятининг ривожланиш йўлларини таҳлил қилиш ва белгилаш;

ёш авлодни маънавий-ахлокий тарбиялашда халқнинг бой миллий, маданий-тарихий анъаналарига ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган педагогик ва психологик воситаларни ишлаб чиқиб, амалда татбиқ этиш;

шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлигини таъминлаш.

114. Илмий-педагогик кенгашнинг асосий вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низомлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирликнинг буйруқлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда мазкур Устав талабларини бажариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, фан, маданият, техниканинг замонавий ютуқларини ўқув жараёнига жорий этишни амалга ошириш;

ёшларнинг имконият ва кизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг интеллектуал ривожланишини жадаллаштирувчи манбаларни яратиш ва уларни оммалаштириш;

педагогика, психология янгиликлари асосида замонавий ўқув-методик мажмуаларини яратиш ва бу борада мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлиги ҳамда Вазирлик таълим муассасалари билан ҳамкорликда тадқиқот майдончаларини ташкил этиш ва илмий изланишлар натижаларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш;

“Темурбеклар мактаби”нинг ўқув-тарбия жараёнини бириктирилган олий ва олий харбий таълим муассасаси фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ташкил қилиш ҳамда унинг ўқув-моддий базасидан унумли фойдаланиш;

турли ўқув юртлиги ва илмий-тадқиқот институтлари билан тузилган шартномалар бажарилишини таъминлаш;

ўқувчиларни курсдан-курсга кўчириш, давлат аттестациясига кириш учун рухсат бериш ва давлат аттестацияси натижаларини таҳлил қилиш;

илғор ва жамоатчи ўқувчиларни моддий рағбатлантиришга тавсия этиш. Фанлардан саёз ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг билим савиясини кўтариш чораларини кўриш, ўқувчиларни ўқишдан четлатиш масалаларини ҳал қилиш;

ўқувчиларнинг бўш вақтдан самарали фойдаланиш йўллариини ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш;

терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича тегишли чора-тадбирларини амалга ошириш;

кафедралар фаолиятини ўрганиш, уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш, дарслик, ўқув кўлланимлари, илмий-методик адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш масалаларини кўриб чиқиш, ўқув-методик, илмий ишлар ҳисоботини кўриб чиқиш ва таҳлил этиш, шу жумладан ўқитувчиларнинг ҳисоботини кўриб чиқиш;

“Темурбеклар мактаби”нинг йиллик ўқув-тарбия ишлари ва истикболли режасини, унинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш масаласини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш;

илғор таълим тажрибасини ўрганиш, оммалаштириш ва амалиётга татбиқ этиш;

“оила, маҳалла, “Темурбеклар мактаби” ҳамкорлигини амалга ошириш;

ёш ўқитувчиларнинг иш фаолиятини ўрганиш, уларга устозлар тайинлаш, зарур методик ёрдам кўрсатиш, ўқитувчи ва мураббийларнинг малакасини ошириш масалаларини ҳал этиш;

кабул комиссиясининг ишини таҳлил қилиш ва ҳисоботини эшитиш;

“Темурбеклар мактаби” битирувчиларининг олий ўқув юртлигига қабули ва меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш;

“Темурбеклар мактаби”нинг ҳамкорлик қилиш йўналишларини белгилаш;

“Темурбеклар мактаби” кутубхонаси фондини бойитиш чора-тадбирларини кўриш, кутубхона фаолиятини муҳокама қилиш;

педагог ходимларни, “Темурбеклар мактаби” жамоаси аъзолари ва ўқувчиларни турли мукофотларга тавсия этиш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш масалаларини муҳокама қилиш;

бюджет ва бюджетдан ташқари топилган маблағлар сарф-харажат ҳисоботларини кўриб чиқиш;

тўғарак раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш;  
фан олимпиадалари, симпозиум, конференция ва кўрик-танловларда қатнашувчи ўқувчиларга малакали устозларни бириктириш;

ўқувчилар фанларни ўзлаштириши самарадорлигини ошириш учун таълим беришнинг турли усулларидан фойдаланиш масалаларини кўриб чиқиш;

илғор тажрибали ўқитувчиларни чет элларда малака оширишга юборишга тавсия этиш;

ўқувчи, ўқитувчи ва “Темурбеклар мактаби” ходимлари учун техника хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ Педагогик кенгаш бошқа вазифаларни ҳам хал этиши мумкин.

115. “Темурбеклар мактаби”нинг Илмий-педагогик кенгаши куйидаги таркибда ташкил этилади:

“Темурбеклар мактаби” директори, директор ўринбосарлари, взвод ва гуруҳ командирлари, кафедра мудирлари, ўқитувчилар, кутубхона мудирлари, бўлим бошлиқлари, “Темурбеклар мактаби” ота-оналар қўмитаси, хомий ташкилот, тегишли вазирлик ва давлат идораси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари.

116. “Темурбеклар мактаби” директори Илмий-педагогик кенгаш раиси ҳисобланади.

117. Илмий-педагогик кенгаш баённомаларини ва ҳужжатларини расмийлаштириб бориш учун Кенгаш аъзоларидан котиб сайланади.

118. Илмий-педагогик кенгаш қарорларини амалда бажарилишини Кенгаш раиси ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари назорат қилади.

119. Илмий-педагогик кенгаш ўқув йилига мўлжалланган режа асосида фаолият юритади. Иш режаси Илмий-педагогик кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

120. Илмий-педагогик кенгаш ҳар ойда бир марта ўтказилади. “Темурбеклар мактаби” ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган айрим масалаларни хал этиш учун навбатдан ташқари Кенгаш ўтказилиши мумкин.

121. Илмий-педагогик кенгаш ўз фаолиятини ошқоралик ва демократия принциплари асосида олиб боради.

122. Илмий-педагогик кенгаш мажлисларида кенгаш аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок этганда, кун тартибидаги масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилиниши мумкин.

Илмий-педагогик кенгаш аъзолари мажлис кун тартиби ва материаллари билан олдиндан таништирилади.

123. Илмий-педагогик кенгашда кўриб чиқилган, муҳокама этилган масалалар бўйича бажариш муддати ва масъул шахслар кўрсатилган қарорлар қабул қилинади.

124. Илмий-педагогик кенгаш қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва ушбу қарорларнинг бажарилиши барча учун мажбурийдир.

125. Илмий-педагогик кенгаш мажлиси баённомалари махсус дафтарга расмийлаштирилади. Кенгаш раиси ва котиби томонидан имзо билан тасдиқланади.

Кенгаш баённомалари “Темурбеклар мактаби”нинг асосий ҳужжатларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир мажлис баённомасини юритиш амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ олиб борилади.

126. Илмий-педагогик кенгаш фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирликка йиллик иш натижалари бўйича тегишли ҳисоботлар тайёрланади.

127. Илмий-педагогик кенгашнинг вазифалари ва функциялари “Темурбеклар мактаби” директори томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ белгиланади.

128. “Темурбеклар мактаби”да педагоглар таркиби, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг лавозимлари мавжуд.

129. Педагоглар таркибига қуйидаги лавозимлар киради: бош ўқитувчи, етакчи ўқитувчи, қатта ўқитувчи ва ўқитувчи.

130. Суд ҳукми билан педагогик фаолият билан шуғулланиш ман этилган шахсларга, “Темурбеклар мактаби”да ушбу фаолиятни юритишига йўл қўйилмайди.

131. Ишга қабул қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ишни ташкил қилиш шарт-шароитлари қонун ҳужжатларида белгиланади, “Темурбеклар мактаби” педагоглар таркиби, бошқарув, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун меҳнатига ҳақ тўлаш штат жадвалига кўра амалга оширилади.

132. “Темурбеклар мактаби”да офицер ва сержантлар лавозимларида хизмат қилаётган ходимлар таъминотнинг барча турлари билан қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминландилар.

133. “Темурбеклар мактаби” педагоглар таркибига қонун ҳужжатларига мувофиқ қисқартирилган иш вақти белгиланади, ҳар йили пуллик меҳнат таътили берилади.

134. Педагоглар таркиби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестацияга жалб этилади, аттестация натижалари бўйича қабул қилинган қарор асосида педагоглар таркибининг малака тоифалари кўриб чиқилади.

135. “Темурбеклар мактаби” бошқарув ва педагоглар таркиби ишлаб чиқилган режа асосида белгиланган муддатларда малака ошириш курсларига жалб этилади.

136. Педагоглар таркиби қонун ҳужжатларига мувофиқ “Темурбеклар мактаби” директорининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ёки лавозимдан озод этилади.

137. “Темурбеклар мактаби” директорининг ўринбосарлари Вазирлик Кадрлар бош бошқармаси билан келишган ҳолда директор томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

138. Директорнинг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича биринчи ўринбосари ҳамда “Темурбеклар мактаби” шаҳодатланган ходимлари муайян ҳарбий, махсус ва педагог тажрибага эга бўлган, ўқувчиларда ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари, юксак маънавий-ахлоқий сифатлар ва фаол ҳаётий позиция шакллантирилишини таъминлашга қодир бўлган, юқори малакали шартнома бўйича офицерлар ва сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар орасидан Вазир ўринбосари – Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи томонидан тайинланади.

139. Директор ўринбосарларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари “Темурбеклар мактаби” директорининг тегишли буйруғи билан тасдиқланади.

140. “Темурбеклар мактаби”нинг ишчи ва хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари қўлланилади ҳамда улар конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланади. Шунингдек, “Темурбеклар мактаби”нинг ишчи ва хизматчиларига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ишчи ва хизматчиларига белгиланган иш стажи учун фоизли устама белгилаш тартиби ҳам қўлланилади.

141. “Темурбеклар мактаби” педагоглар таркибининг ҳуқуқлари:  
конун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга эга бўлиш;  
меҳнат таътилидан ўз вақтида фойдаланиш;

“Темурбеклар мактаби”нинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидалари, лавозим йўриқномалари, жамоа шартномаси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан танишиш;

иш берувчидан меҳнат интизомини таъминлаш ва иш ҳақини ўз вақтида тўланишини, хавфсиз ва самарали меҳнат шарт-шароитларини яратилишини талаб қилиш;

иш жойини меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ жиҳозланишни талаб қилиш.

“Темурбеклар мактаби” педагоглар таркиби конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

142. “Темурбеклар мактаби” педагоглар таркибининг мажбуриятлари:

таълим соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, педагогик ва касбий мулоқот назариясини, ёшлар психологияси ва физиологиясини, ўқувчилар билимини назорат қилиш рейтинг тизимини, маънавий-маърифий ишларининг долзарб вазифалари ва ёшлар билан тарбиявий ишлар олиб бориш усулларини, хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ҳамда ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланишни билиш;

ўқув юкламаси бўйича ўзига юклатилган фанлар бўйича белгиланган барча турдаги дарс машғулотларини Давлат таълим стандартлари талаблари асосида юксак назарий, илмий-методик ва касбий даражада олиб бориш;

ўзига бириктирилган дарс соатлари ва педагогик юкламаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўқувчилар онгига ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни сингдириш, маънавий-ахлоқий кадриятларимизни асраб-авайлашда бор куч-гайрат, билим ва маҳоратини ишга солиш;

ўқувчилар интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юксалтириш;

тасдиқланган жадвал асосида ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ишларини (фан, ижодий ва спорт тўғараклари) самарали ташкил этиш;

ўзига бириктирилган фанлар бўйича таквим-мавзу режалари, дарс конспекти, йиллик иш режаси, агар синф раҳбари бўлса тарбиявий иш режасини ишлаб чиқиш, ўзаро дарсларни кузатиш ва синф журналларини сифатли юритилиши ҳамда ўқувчилар билимини баҳолаб боришни таъминлаш;

кўргазмалар ва таркатма материаллар, методик қўлланма ва кўрсатмаларни тайёрлаш;

ўқув-методик ишларни бажариш, кўргазмали, очик ва синов дарсларни ўтказиш;  
етакчи педагогларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш  
ва оммалаштириш, ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш;  
ўз касбий даражасини доимий ошириб бориш;

“оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлигини амалга оширишда  
ўқувчиларнинг ота-оналари (улар бўлмаганда уларнинг ўрнини босувчи конуний  
вакиллари) билан фаол ҳамкорлик килиш;

бинолар, хоналар, лабораторияларда бириктирилган ўқув жиҳозлари, техник  
воситалар ва бошқа моддий бойликлардан самарали фойдаланишни ва уларнинг  
сакланиши таъминлаш;

“Темурбеклар мактаби” ички тартиб ва одоб-ахлоқ коидалари талабларига, меҳнат  
муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси коидаларига катъий амал килиш.

“Темурбеклар мактаби” педагоглар таркибига конун хужжатларига мувофик бошқа  
мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

143. Ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳуқук  
ва мажбуриятлари “Темурбеклар мактаби”нинг ички тартиби коидалари ва ўрнатилган  
тартибда тасдикланадиган лавозим мажбуриятлари билан белгиланади.

### **9-боб. Ички ишлар вазирлигининг “Темурбеклар мактаби”ни бошқариш бўйича асосий вазифалари**

144. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

“Темурбеклар мактаби”га бириктирилган олий ва олий ҳарбий таълим  
муассасалари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш, ўқувчиларнинг олий, олий  
ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун сифатли  
тайёрлашда уларнинг роли ва масъулиятини ошириш, шунингдек, бевосита иштирокини  
таъминлаш;

таълим дастурлари ва ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот  
технологияларини жорий этиш;

“Темурбеклар мактаби”ни чакирикка қадар бошланғич тайёргарлик учун  
мўлжалланган ўқув воситалари, махсус адабиётлар, спорт жиҳозлари, замонавий  
компьютер техникаси, ўқув мақсадлари учун мўлжалланган курул-аслаха ва ҳарбий-  
техник мулкларнинг замонавий намуналари билан таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон  
Республикаси ёшларини чакирикка қадар бошланғич тайёргарлик дастурига мувофик ўқув  
ва кўргазмали кўлланмалар билан таъминлаш;

“Темурбеклар мактаби” ўқувчилари билан олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган  
таълим муассасалари ва тегишли вазирлик ёки давлат идораларининг дала ўқув  
майдонлари базаларида чакирикка қадар бошланғич тайёргарлик амалий машғулотларини  
ўтказиш;

“Темурбеклар мактаби” ўқувчиларининг олий ҳарбий таълим муассасаларига,  
ҳарбий қисмлар ва муассасаларга ташрифларини ташкил этиш;

“Темурбеклар мактаби” ҳарбий хизматчиларини олий ҳарбий  
ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари малака ошириш факультетларида ҳамда  
Қурулди Кучлар Академияси ва бошқа ҳарбий таълим муассасаларида педагогик  
кадрларни малака оширишини ташкил килиш;



Ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбиялашни таъминлайдиган комплекс маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда “Темурбеклар мактаби”га муносиб номзодларни танлаб олиш учун умутаълим мактаблари 5-6 синф ўқувчиларининг билими, жисмоний қобилиятлари ва шахсий сифатларини доимий равишда ўрганиш ва улар бўйича ягона маълумотлар базасини тузиш ҳамда умумтаълим мактабларида “Темурбеклар мактаблари”нинг фаолияти, қабул шартлари ва тақдим қилинаётган имтиёзлар тўғрисида ўқувчиларни хабардор қилиш бўйича кенг тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб бориш.

145. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

вазирлик ва идоралар томонидан давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган “Темурбеклар мактаби”нинг ўқув режалари ва ўқув дастурларини ўрганиш ва келишиш;

соҳадаги олий таълим муассасалари негизида ва малака ошириш муассасаларида “Темурбеклар мактаби” педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

ўқув жараёнини ташкиллаштириш учун “Темурбеклар мактаби”ни барча зарур расмий ҳужжатлар ҳамда ўқув муассасасини тамомлаганлик тўғрисида давлат намунасидаги диплом ва кўкрак нишонлар билан таъминлаш;

“Темурбеклар мактаби”ни зарур ўқув ва илмий адабиётлар билан таъминлаш.

146. Қуйидаги масалаларда кўмаклашиш “Темурбеклар мактаби”га бириктирилган олий ҳарбий, ихтисослаштирилган ва олий таълим муассасаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўқув-тарбиявий жараёнини ташкил қилиш, таълим дастурлари ва ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, шунингдек, таҳсил олаётган ёшларни олий таълим муассасасига қадар касбга йўналтириш ва педагог кадрлар малакасини оширишни самарали ташкиллаштириш;

ўқувчиларнинг билим даражаси ва интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантириш, уларни аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда олий таълим муассасаларда ўқишни давом эттиришга тайёрлаш;

миллий ва хорижий таълим муассасаларининг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини ташкиллаштиришнинг замонавий методларини жорий этиш, шунингдек унинг мазмунини доимий равишда янгилаш;

юқори билим даражаси, интеллектуал салоҳият ва профессионал маҳоратга ҳамда камида 5 йил узлуксиз педагогик иш стажига эга бўлган ўқитувчиларни “Темурбеклар мактаби”да ишлаш учун танлаб олиш.

### **10-боб. “Темурбеклар мактаби”нинг тузилиши**

147. “Темурбеклар мактаби”да педагогик кенгаш, методик кенгаш, ота-оналар кенгаши тузилади ва фаолият юритади.

148. “Темурбеклар мактаби” таркибида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоатчилик асосидаги тузилмалар фаолият юритиши мумкин.

149. “Темурбеклар мактаби”да фанлар бўйича қуйидаги кафедралар ташкил қилинади:

аник фанлар кафедраси (математика, физика, информатика, астрономия, кимё, биология); ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий истиклол ғояси, она тили ва адабиёти, тарих, ҳуқуқшунослик, инглиз тили, рус тили ва адабиёти, география, иқтисодий билим асослари, чакирувга кадар бошланғич тайёргарлик, жисмоний тарбия);

Кафедралар фаолияти улар тўғрисидаги ички низом билан тартибга солинади.

### **11-боб. Жамоат ташкилотлари**

150. “Темурбеклар мактаби” таркибида касаба уюшмаси, хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифокининг бошланғич ташкилоти ва “Темурбеклар мактаби”даги ўқув-тарбия жараёнига дахлдор бўлган бошқа жамоат тузилмалари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва мазкур Устав асосида олиб борилади.

### **12-боб. “Темурбеклар мактаби”нинг молиявий ва моддий-техник таъминоти**

151. “Темурбеклар мактаби” фаолиятини молиялаштириш қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети;

Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

ҳарбий-маъмурий сектор маблағлари;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари ҳамда мақсадли бадаллари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалари.

152. Молиялаштириш маблағлари “Темурбеклар мактаби” ихтиёрида бўлиб, улардан қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ мустақил равишда фойдаланилади.

“Темурбеклар мактаби” тегишли Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, тегишли ҳарбий-маъмурий сектор маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан шакллантириладиган “Темурбеклар мактаби”нинг ишчи ва ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи миқдоридаги директор фонди ташкил этилади.

Ушбу фонднинг маблағларидан фойдаланиш тартиби Вазирлик томонидан мустақил белгиланади.

“Темурбеклар мактаби” директори фондининг жорий йилда ўзлаштирилмаган молиявий маблағларини кейинчалик мақсадли фойдаланиш учун кейинги йилга ўтказишга рухсат этилади.

153. “Темурбеклар мактаби” белгиланган тартибда ўз ишининг натижаларини оператив ва бухгалтерия ҳисоб-китобларини амалга оширади, статистик ва бухгалтерлик ҳисобини юритади.

154. “Темурбеклар мактаби”да ҳўжалик ва молия интизомига риоя қилиниши устидан назорат вақолатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

155. “Темурбеклар мактаби”нинг ўқув лаборатория, кабинет ва бошқа объектларини жиҳозлаш давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ, ўрта махсус таълими жараёнини моддий-техник таъминлашнинг намунавий нормативларида назарда тутилган асосларга кўра амалга оширилади.

156. “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга мувофиқ бепул турар жой, озик-овқат ва кийим-кечак билан таъминланади.

157. “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларининг кийим-кечак меъёри, кўкрак нишони ва махсус унвонларининг намуналари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик қўмитаси ва Миллий гвардиянинг қўшма қарори билан тасдиқланади.

158. “Темурбеклар мактаби”нинг раҳбарий таркиби, ўқитувчилари ва бошқа ходимларига “Темурбеклар мактаби”нинг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитлари тизими татбиқ этилади.

159. “Темурбеклар мактаби”нинг офицер ва сержантлар таркиблари ҳарбий хизматчиларининг пул таъминоти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг тегишли тоифалари учун назарда тутилган хизматни ўташ тартиби, таъминоти бўйича имтиёзлар ва нормаларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

160. “Темурбеклар мактаблари”да хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминотига уларнинг лавозим маошининг 50 фоизига тенг миқдорда ҳар ойлик устама тўланади.

161. “Темурбеклар мактаби” молия-хўжалик фаолияти, моддий-техник ва тиббий таъминоти (стационар равишда даволаш бундан мустасно) Вазирлик томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

162. “Темурбеклар мактаби”да интизомга риоя этилишини назорат қилиш Вазирлик таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

163. “Темурбеклар мактаби” ўқитувчиларини вилоят марказларидан мактабга олиб келиш (олиб кетиш) ва ўқувчиларнинг жойлардаги тарихий обидалар, музейлар, зиёратгоҳлар ва диққатга сазовор жойларга мунтазам ташрифларини уюштириш мақсадида транспорт воситалари ҳамда ёқилғи мойлаш материаллари билан белгиланган тартибда таъминланади.

### **13-боб. Яқунловчи қоидалар**

164. “Темурбеклар мактаби”ни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади.

165. Мазкур Устав талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.